

Каланова А.Б.,

Тошкент Молия институти «Статистика»
кафедраси катта ўқитувчиси

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

КАЛАНОВА А.Б. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада корхонани тегишли механизмни шакллантириш йўли билан иқтисодий тизим сифатида барқарор ривожлантиришнинг назарий асослари ёритилган.

Таянч иборалар: саноат корхоналари, барқарор ривожланиш, инновацион салоҳият, иқтисодий мувозанат.

КАЛАНОВА А.Б. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

В статье описывается теоретические основы устойчивого экономического развития предприятия путем формирования необходимого механизма.

Ключевые слова: промышленные предприятия, устойчивое развитие, инновационный потенциал, экономическое равновесие.

KALANOVA A.B. THEORETICAL BASES OF SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE INDUSTRIAL ENTERPRISES

In the article it is described theoretical bases of sustainable economic development of the enterprise by formation of the mechanism.

Keywords: industrial enterprises, sustainable development, innovative potential, economic balance.

МДҲ мамлакатларида кузатилаётган иқтисодий жараёнлар, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бозор муносабатларининг ривожланиши бошқарувнинг янги механизмларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни белгилаб бермоқда. Шу боис, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг тартибланган тизимига эга бўлган кўплаб корхоналар ўзгариб бораётган ташқи муҳит шароитларига мослашувчан бошқарув воситаларини ривожлантиришга зарурат сезмоқдалар.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган бошқарувнинг янги механизмларини шакллантириш борасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли тобора ошмоқда. 2014 йилда жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди¹.

Ҳозирги шароитда иқтисодий салоҳиятни тиклаш зарурлиги мазкур ривожланишни таъминлайдиган механизмни шакллантириш асосида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш учун шароит яратишни биринчи ўринга қўймоқда.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

Корхоналар ресурслари чекланганлиги, мавжуд ташқи муҳит шароитида уларнинг барқарор ривожланишига замин яратиш имкониятларини берадиган стратегияни ишлаб чиқиш бошқарувнинг асосий муаммоси шаклида намоён бўлмоқда. Бунда шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир корхона учун барқарор ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш яқка тарзда амалга оширилади. Шу сабабли Гобинд Нанка: «Барқарор ўсиш бир қанча таянч шартларга асосланадики, улар вақтида бажарилган бўлиши зарур: жисмоний ва инсон капиталини жамғариш, ресурсларни самарали тақсимлаш, янги технологиялар ва ўсишдан фойдаланишда мувозанатли қатнашиш. Бу шартлардан қайсиниси муайян даврда энг муҳими ҳисобланиши, яъни қайси чоралар қандай кетмакетликда кўрилган бўлиши кераклиги кўп жиҳатдан дастлабки шароитга боғлиқ. Бунинг оқибатида қатъий формулалар ва ўткинчи «энг яхши амалиёт»ларни излашдан воз кечиш ҳамда ўсишни чекловчи омилларни айнан мувофиқлаштириш учун чуқурлаштирилган иқтисодий

тахлилга ишониш лозим»¹ деган ғояни илгари сурган.

Иқтисодий тизимлар умумий мувозанати концепцияси.

Хўжалик тизимларини барқарор ривожлантириш концепцияси иқтисодий тизимларнинг макро- ва микро- даражадаги хулқ-атворини тавсифловчи классик ва ҳозирги замон тадқиқотлари тушунчалар тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хўжалик тизимларида кечаётган бизнес-жараёнларни тадқиқ этишда «барқарор мувозанат» тушунчаси ва у билан боғлиқ беқарор бозор иқтисодиёти шароитлари учун ўринли бўлган тушунчаларни очиб бериш муҳим.

«Мувозанат» тушунчасининг моҳияти кўплаб тадқиқотларда қўлланилаётган таҳлил усуллари ва ўрганилаётган хўжалик тизимларининг даражасидан келиб чиқиб, талқин қилинади. Шу билан бирга бу тушунчанинг таклиф қилинган маъноси етарлича асосланмаган. Бунда кўп даражада хўжалик тизимларининг барқарор ривожланиш шартига кирадиган вазифаларнинг хоссалари тадқиқоти ва хулосасига урғу берилади. Натижада бугунги кунда иқтисодий тизимнинг барқарор ва мувозанатли ҳолатининг фундаментал мазмуни тўғрисидаги масала очиқлигича қолмоқда.

А.Маршалл томонидан таклиф қилинган концепцияда бозор мувозанати талаб ва таклиф тенглиги ба-

жарилишининг аниқ шарти сифатида кўзда тутилади²:

$$S = D \quad (1)$$

бу ерда: $S = g(p)$ – таклифнинг «р» нархга боғлиқлигини тавсифлайдиган вазифаси; $D = f(p)$ – маҳсулотга бўлган бозор талабини тавсифлайдиган талабнинг вазифаси.

Бироқ барқарор мувозанат тенгламасининг маъноси муаллиф томонидан батафсил кўриб чиқилмайди. Қатор иқтисодчиларнинг кейинги ишларида³ (1) тенгламанинг маъносини тушунишни чуқурлаштирадиган тадқиқотлар олиб борилиб, унинг мазмуни, хўжалик тизимининг барқарор, мувозанатлашган ҳолатига унинг бозорга нархли мослашиш бўйича ҳаракатлари синов ва хатолари жараёнининг чегараси сифатида қараш лозим. Уларнинг динамикасини қуйидаги тенглама орқали тасвирлаш мумкин:

$$\frac{dp}{dt} = h \cdot (S(p) - D(p)) \quad (2)$$

$$h' < 0 \quad h(0) = 0 \text{ бўлганда}^4,$$

бу ерда $\frac{dp}{dt}$ – нархларнинг ўзгариш тезлиги; h' – h функциясининг бозордаги маҳсулотлар, хизматлар ортиқча таклифи ўсишига нисбатан ўзгариш тезлиги.

² Marshal A. Principles of economic science. T.2. – M.: Publ. Group «Progress», 1993.

³ Kenneth J.Arrow. Toward a theory of price adjustment. Studies in Resource Allocation Processes. – Cambridge, 1991; Paul A.Samuelson. Foundations of Economic Analysis. – New York, 1986.

⁴ Marshal A. Principles of economic science. T.2. – M.: Publ. Group «Progress», 1993.

¹ Economic Growth in the 1990s: Learning from a Decade of Reform. World Bank, 2005. p.xi-xiii (<http://www1.worldbank.org/prem/lessons>)

(2) тенглама маҳсулот, хизматларга бўлган талаб таклифдан ошиб кетган, нархлар эса нарх ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, ўсган ёки камайган вазият учун талаб ва таклиф қонунини тавсифлайди. (1) ва (2) тенгламалар биргаликда бизнес-жараёнлар динамикасини тавсифлаб, уларда талаб, таклиф ва нархлар ўзининг айрим чекланган миқдорига эришганлиги билан боғлиқ барқарор бўлмагунгача ўзгаради. Шунини таъкидлаш муҳимки, агар (1) тенглик бажарилса, у ҳолда нарх ўзгармаганча қолади ва бунинг оқибатида талаб ва таклиф ҳам нарх функцияси каби доимийлигича қолади. Демак, S , D , p чекланган миқдорларга эришганда, уларнинг ўзгаришини келтириб чиқарадиган таъсирлар йўқолади. Бунда хўжалик тизими мувозанат ҳолатига эришадди ва таъсирларни тийиб турадиган ташқи муҳит мавжуд бўлмаганда, унда етарли даражада узок вақт қолиб кетиш мумкин бўлади.

Пол Самуэльсон, Кеннет Эрроу, Геонид Гурвиц¹ асарларида турлитуман эмпирик ҳодисаларни моделлаштириш орқали хўжалик тизимларини барқарор ривожлантириш механизмларидан фойдаланишнинг айрим хусусиятлари ўрганилган. Бироқ юқори даражада саноатлашган иқтисодиётда саноат мажмуаси корхоналарига татбиқан «иқтисодий мувозанат» тушунчасининг мазмуни тўла очилмаган.

¹ Leonid Hurwicz. On the Stability of the Tatonnement Approach to Competitive Equilibrium. 1986, in Sonnenschein, editor, *Modeles of Economic Dynamics*.

С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензи² ҳам ялпи талаб ва ялпи таклиф тенглиги каби мувозанатли ҳолатни аниқлайди, яъни мавжуд нархлар даражасида тахмин қилинаётган маҳсулот миқдори ялпи талаб ёки режалаштирилаётган ялпи харажатларга тенг бўлганда, товарлар бозори мувозанат ҳолатида бўлади. Бунда хўжалик тизимининг мувозанатли ҳолати тенгламаси қуйидагича аниқланади:

$$AD(C + I) = AS \cdot (Q \times P)^3, \quad (3)$$

бу ерда: AD – ялпи талаб; C – истеъмол талаби; I – инвестицион талаб; AS – ялпи таклиф; Q – натурал ифода-сида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; P – маҳсулот бирлигининг нархи.

Иқтисодий ўсиш макродаражадаги тадқиқотининг услубий асосини Й.Шумпетер, Н.Кондратьев, Д.Белл, Э.Денисон, Ж.Кейнс, К.Кларк, Д.Норт, Р.Солоу, Ф.Хайек ва бошқа олимлар⁴ ишлаб чиққанлар. Улар ялпи ички маҳсулотнинг зарурий ўсиш суръатлари сақланиб қолганда, макродаражада мувозанат ҳолатига эришиш мумкин, бунда иқтисодиётнинг барқарор мувозанатли ривожланишини таъминлайдиган ўсиш суръатларини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш зарур, деган хулосага келганлар:

² Fischer S., Dornbush R., Shmalenzi R. *Economy: Trans. with the Engl. From the 2nd publ.* – М.: «The matter LTD», 1995.

³ Fischer S., Dornbush R., Shmalenzi R. *Economy: Trans. with the Engl. From the 2nd publ.* – М.: «The matter LTD», 1995.

⁴ Клинов В. Особенности современной динамики мирового хозяйства. // «Вопросы экономики», 2010, №9. –С. 79.

$$\Delta GDP_t = \frac{VA_t}{CF_{t-1}} \times \frac{CF_{t-1}}{GDP_{t-1}} \times 100\%^1, \quad (4)$$

бу ерда Δ – фоизларда ифодаланган ўсиш суръатлари; t – ҳисобот даври; $(t-1)$ – олдинги давр; GDP – ялпи ички маҳсулот; VA – қўшилган маҳсулот (ЯИМ ўсиши); CF – асосий капиталга қўйилмалар; VA/CF – асосий капиталга қўйилмалардан қайтим меъёри; CF/GDP – асосий капитални шакллантиришга ЯИМ ни сарфлаш меъёри.

Хўжалик тизимининг микродаражадаги хулқ-атворини тадқиқ этишда мувозанат концепцияси баъзи мақсадли функциялар максимумига эришиши билан бир хил ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш муаммоларининг ҳал қилиниши билан боғлиқ бўлади, деб қаралади. Мазкур концепция доирасида истеъмолчи мувозанати унинг нафлилик функцияси максимумига етганда намоён бўлади, хўжалик тизимининг мувозанати эса унинг фаолияти натижаларини тавсифлайдиган фойда ёки бошқа кўрсаткичларнинг максимумида кўринади.

Алоҳида ташкилот ва бутун иқтисодиёт мувозанати шартларидаги асосий тафовут шундаки, макротизимнинг мувозанат ҳолати микродаражадаги тизимдан фарқ қилиб, ички қарама-қарши йўналтирилган муваффақият омилларининг ўзаро таъсири ва мувозанатлаштирилиши объектив механизми ҳисобига эришилади ҳамда субъектив мақсад қўйилиши жараёни билан боғлиқ эмас.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий тизим мувозанати концепциясининг

мазмунини тадқиқ этиш учун: а) мувозанат ҳолати асосий тавсифларини ажратиш; б) унинг умумлаштирилган тизимли тушунчасини шакллантириш; в) турли даражадаги иқтисодий тизимлар учун унинг намоён бўлишининг ўзига хослигини таҳлил қилиш зарур.

Турли даражадаги иқтисодий тизимларнинг амал қилиш ва ривожланиш омили ҳисобланган иқтисодий тизимнинг мақсадли детерминацияси тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ². Бунда мақсадли детерминациялашнинг кенгайтирилган талқинини қўллаш зарур, яъни «тизимни мақсадли детерминациялаш» тушунчаси орқали унинг бошланғич шароитлари ва ривожланиш ички механизмларидан шаклланадиган иқтисодий тизимнинг бирмунча келгуси ҳолатини тушунамиз.

Амалдаги механизмлар тизим хулқ-атворининг берилган йўналишини белгилаб, унинг охирги ҳолати ҳам изланаётган мувозанат ҳолати ҳисобланади. Иқтисодий тизим хулқ-атворининг мақсадга йўналтирилганлигида, тизимга мувозанатли таъсир кўрсатиш соҳасида бу таъсирни қоплашга уринаётган қарама-қарши жараёнлардан иборат тескари алоқа тамойили намоён бўлади.

Мақсадли детерминациялашни тушуниш турли даражадаги иқтисодий тизимлар учун мувозанатлиликнинг мазмунини ўрганиш ва мувозанат ҳолатининг сермазмун тизимли кон-

¹ Клинов В. Особенности современной динамики мирового хозяйства. // «Вопросы экономики», 2010, №9. –С. 79..

² Hicks J. Economic Perspectives. Further Essays on Money and Growth – Oxford, 1987.; Ashby W. R. Principles of the self – organizing dynamic system. – Cambridge. 1981.

цепциясини ишлаб чиқиш имконини беради. Шу билан боғлиқ равишда, мақсадга йўналтирилган тизимнинг мазмунини тавсифлаш муҳим бўлиб, бунинг учун функционал инвариант концепциясидан фойдаланилади¹. Бунда «функционал инвариант» (ўзаро боғлиқ ва қарама-қарши кўринишлар)ни рақобат шароитида хўжалик тизимининг амал қилиши жараёнида ўз аҳамиятини сақлаётган кўрсаткичлар мажмуи сифатида таърифлаш мумкин. «Мақсадли детерминациялаш (аниқлаштириш)» кўрсаткичи корхонани ривожлантириш йўналишининг ўзгариши билан боғлиқ хўжалик тизимининг кўплаб кўрсаткичларининг амал қилишини тавсифлайди. У даромад, харажатлар, ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотининг ҳажми, қўлланилаётган активлар мажмуи ва ҳ.к.ларни ўз ичига оладиган ўзгарувчилар тўплами билан белгиланади.

Демак, ўзаро боғлиқ кўринишлардан фойдаланиш макро- ва микро-даражадаги иқтисодий тизимларни бирлаштирадиган умумийликни ажратиш имконини беради ҳамда улар томонидан мувозанат ҳолатига эришиш асосида ётади, бинобарин, мазкур умумий хосса сифатида мақсадга йўналтирилганлик чиқади.

Ўзаро боғлиқ кўринишлар таркибида мақсадга йўналтирилганлик негиз омили ҳисобланган алоҳида хоссаларга эга бўлган кўрсаткични аниқлаш муҳим бўлиб, унинг ўзгариши тизимда икки, қарама-қарши йўналтирилган жараёнларнинг юзага келишига олиб

келади. Бунда жараёнлар мувозанатлашмаган бўлса, тизим ўзгаради. Агар жараёнларнинг амал қилиши бир-бирини тенглаштирадиган бўлса, тизим чекланган ҳолатига эришади ва ташқи тийиб турадиган таъсирлар мавжуд бўлмаганда, ўзгармаслигича қолади.

Ўзгариши қарама-қарши йўналтирилган жараёнлар кўрсаткичи негиз кўрсаткич ҳисобланади, мазкур жараёнларни тавсифладиган ўзгарувчилар эса тавсифловчи сифатида чиқади. Sanoat корхонаси ўзаро боғлиқ кўриниши учун унинг фаолияти кўламларидан келиб чиқиб, сотилаётган маҳсулот ҳажми негиз кўрсаткич ҳисобланади, тавсифловчи кўрсаткич эса даромад ва харажатлардир. Шунини таъкидлаш муҳимки, тавсифловчи ўзгарувчиларнинг тегишли миқдорларини ўзига жалб қиладиган негиз кўрсаткичнинг ўзгариши функционал инвариантнинг фундаментал хоссаси ҳисобланади.

Sanoat мажмуаси корхоналари хулқ-атворининг тадқиқотига нисбатан ўзаро боғлиқ кўринишларларни ўрганишда вақт омилини кўриб чиқиш муҳим ҳолат ҳисобланади. Шу боисдан, хўжалик тизимининг мақсадга йўналтирилган ривожланишини таъминлаш мазкур вазиятда маълум пайтдаги ўзаро боғлиқ кўринишни ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади.

Демак, ташқи чекловчи таъсирлар мавжуд бўлмаганда, тизим ҳаракати ўзаро боғлиқ кўриниш ўзгарувчилари билан тавсифланадиган кучлар ўзаро таъсири билан белгиланади. Шу сабабли агар маълум вақт ўтгандан кейин мазкур кучлар ҳаракати бир-бирини

¹ Казаринов М.Ю. Детерминизм в сложных системах управления и самоорганизации. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1990.

1-жадвал. Хўжалик тизимлари мувозанатли ҳолатлари турларининг таснифланиши¹

Т/р	Таснифлаш белгиси	Мувозанатли ҳолат тури
1.	Тизим мақсадга йўналтирилган ҳаракатини амалга ошириш усули бўйича	Мақсадли мувозанат
		Мақсадсиз мувозанат
2	Тадқиқот объектининг турига кўра	Иқтисодий тизим макромuvoзанати
		Иқтисодиёт тармоқларининг мувозанати
		Бозор сегментларининг мувозанати
		Ташкилотнинг иқтисодий мувозанати
3	Мувозанатли тизимларнинг вақт бўйича ўзгарувчанлигига мувофиқ	Статик мувозанат
		Динамик мувозанат
4	Ташкилот ҳаётий циклига мувофиқ	Ташкилотнинг вужудга келиши босқичидаги мувозанат

тенглаштирган вазиятда ўзаро боғлиқ кўриниш ўзгарувчилари ўзининг охириги миқдорига етади ва уни ўзгартириш ички жараёни бартараф қилинади. Бу эса мувозанатли, деб аталган алоҳида ҳолат тизимига эришилганлигидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, хўжалик тизими ўзаро боғлиқ кўриниши ўзгарувчилари вақтда доимий ва таъсирлари сезилмайдиган ҳамда ташқи муҳит ўзгармаслигича қоладиган ҳолатни мувозанатли, деб номлаш мумкин.

Хўжалик тизимлари мувозанатли ҳолатларининг мумкин бўлган турларини қуйидаги тарзда гуруҳлаш мумкин: мақсадга йўналтирилганлиги, объекти, вақт бўйича ўзгариши, ташкилотнинг ҳаётий цикли бўйича (1-жадвал).

Иқтисодий тизимлар мувозанатини ўрганиш муаммоларига бағишланган адабиётлар таҳлили иқтисодиёт тармоқлари, бозор сегментлари мувозанатининг тадқиқоти ҳамда уларнинг ҳаётий цикли билан белгиланадиган хўжалик тизимларининг мувозанати билан боғлиқ масалалар кам даража-

да ўзгарганлигини аниқлаш имконини берди.

Мураккаб иқтисодий тизимларнинг тизим бошқаруви билан ўзаро таъсирдаги хулқ-атвори ва хоссаларини тасвирлаш учун қўлланилаётган оптималлик тушунчаси иқтисодий тизимлар мувозанатли таҳлилининг фундаментал таркибий қисми ҳисобланади. Оптималлик концепцияси иқтисодий тизимлар мувозанатли таҳлили услубиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва унинг сермазмун маъносини янада тадқиқ этишни талаб қилади. Бу масалага етарли даражада кўп сонли ишлар бағишланган, шунингдек, И.С.Ладенко тадқиқотида² оптималлик концепцияси хўжалик тизимларини ривожлантиришнинг таянч омилларини бирлаштириш натижаси сифатида таърифланади: а) бошқарув мақсади; б) бошқарув тизимининг иерархиклиги; в) унинг кўп ўлчовлилиги ва кўп сонли бир хил бўлмаган унсурларининг мавжудлиги; г) иерархия турли даражалари ўртасида тизимос-ти ўзаро алоқалари; д) бошқарувнинг

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

² Ладенко И.С. Имитационные системы. – Новосибирск, 1981; Унковская Т.Е. Финансовое равновесие предприятия. – К.: "Генеза", 1997.

мумкин бўлган шакллари турли-туманлиги.

Бошқарувнинг мақсади хўжалик тизими ривожланиш йўналишини белгиловчи хусусият ҳисобланиб, бунда унинг сақланиши ва ташқи шароитларга мослашишига, бошқарувчи субъект мезонларига мувофиқ амал қилишига ёрдам берадиган маълум ҳолатга эришиши тушунилади. Бунда оптималлик концепциясининг мазмуни тизим ҳолатини ўрганишнинг ҳар бир босқичидаги бошқарув мақсадларига мувофиқлигида намоён бўлади, яъни оптимал ҳолат тизимнинг мақсадли мувозанатига ва ўз мувозанатли миқдорлари функционал инвариантининг кўрсаткичларига эришишга мос келиши зарур. Тизим миқдорлари кўрсаткичларининг ўзгариши берилган мақсад томон ҳаракатни белгилайди, демак, оптимал ҳолат тушунчаси мувозанат концепцияси намоён бўлишининг хусусий ҳолати ҳисобланади ва унинг махсус турини билдиради.

Оптималлик концепцияси икки турли жиҳатларда фойдаланиладиган оптималлаштириш тушунчаси билан узвий боғлиқ. Биринчи вазиятда оптималлаштириш, деганда унинг оптимал ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хўжалик тизимининг оптимал хоссаларини шакллантириш тушунилади. Ушбу вазиятда оптимал бошқарув, яъни оптимумга эришишга олиб борадиган бошқарув оптималлаштириш жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Иккинчи вазиятда оптималлаштиришнинг мазмуни оптимал бошқарув қарорларини топиш жараёни сифатида талқин қилинади, яъни мазкур

жиҳатдан оптималлаштириш мувозанатли таҳлил махсус турини ўзида мужассамлаштиради ва ҳисоблаш даврида бошқарув қарорлари қабул қилинишини услубий ва ахборий қўллаб-қувватлашининг асосий қисми ҳисобланади.

Оптимал бошқарув қарорларининг қабул қилиниши икки асосий хусусиятлар мавжудлиги билан боғлиқ: а) муқобил бошқарувчилик таъсирларини танлашнинг катта миқдордаги сони; б) хўжалик тизимини ривожлантиришнинг стратегик муқобиллари афзалликларини аниқлаш учун воситаларнинг мавжудлиги. Демак, қарорларнинг барча вариантлари бошқариладиган иқтисодий тизимларнинг мувозанатли таҳлили ва оптималлаштириш мезони асосида ётадиган афзалликлар маълум шкаласи ёрдамида тартибланган бўлиши зарур.

Юқорида баён қилинган концептуал асослар ва саноат мажмуаси корхоналарига мувозанатли таҳлил услубиятини қўллашда аниқ йўналишни ўзгартириш тизимли ёндашув тамоийилларидан фойдаланишни кўзда тутиб, уларга мувофиқ, хўжалик бозор воситалари тўплами мураккаб динамик тизимни ўзида мужассамлаштиради ва у ўз навбатида, янада кенгроқ тизим – бутун минтақа иқтисодиётини бошқариш унсури ҳисобланади.

Корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизми.

Хўжалик тизими иқтисодий барқарорлигига эришиш кўп жиҳатдан саноат ишлаб чиқариши жараёнининг хусусиятлари билан белгилана-

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилди.

2-жадвал. Корхонани барқарор ривожлантириш механизмининг таркибий қисмлари¹

Корхонани барқарор ривожлантириш механизмининг ташкил қилувчилари	Корхона барқарор ривожланиш механизмини ташкил қилувчиларнинг таркиби
Унсурлари	- ташкилий; - бошқарувчилик; - иқтисодий; - молиявий; - ишлаб чиқариш; - технологик; - ахборот; - маркетингли; - экологик.
Усуллари	- ташкил қилиш; - режалаштириш; - тартибга солиш; - рағбатлантириш; - назорат.
Тамойиллари	- тизимлилик; - мақсадга йўналтирилганлик; - иерархиклик; - тескари алоқа; - самарадорлик.
Вазифалари	- ташкилий; - мувофиқлаштирувчи; - назорат қилиш; - мотивацион.
Оқимлари	- моддий; - молиявий; - информაციон; - коммуникатив.

ди. Бу эса ўз навбатида, ижобий молиявий натижага эришиш, мулкдорлар ва маҳсулот потенциал истеъмолчиларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида активлар, капитал, инвестициялар ва бошқа иқтисодий ресурсларни бошқариш хусусиятини белгилайди.


Саноат корхонасининг ўзгариб бораётган бизнес-муҳит шароитида ўзининг асосий вазифаларини бажариш лаёқатини акс эттирадиган жамланган кўрсаткичи бўлиб, «иқтисодий барқарорлик» мезони чиқади, у тизимлилик ва мажмуавийлик белгиларига эга ҳамда хўжалик тизими фаолиятининг молиявий, иқтисодий, техник-технологик ва ташкилий жиҳатлари тўпламини ўз ичига олади.

Шу билан боғлиқ равишда, иқтисодий барқарорлик таянч омилларининг мониторинги ва уларни самарали бошқариш барқарор иқтисодий ривожлантириш моделини шакллантиришда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Иқтисодий барқарорликни ўрганиб, 2-жадвалда тасвирланган уни амалга ошириш механизмининг асосий таркибий қисмларини аниқлаш муҳим.

Хўжалик субъектининг иқтисодий барқарорлиги иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланган бўлиб, унинг доирасида корхона фаолияти, унинг фаолияти натижалари ҳамда саноат маҳсулоти (хизматлари)ни бозор талабларига мослаштириш амалга

1-расм. Саноат корхонаси барқарорлигининг турлари.



оширилишини қайд этамиз. Шу боис, бозор муҳити корхонанинг самарали фаолиятига таъсир кўрсатадиган рискларни вужудга келтиради.

Корхона барқарорлиги турлари жуда кўп бўлиб, уларнинг асосийлари 1-расмда келтирилган.

Саноат корхонасининг барқарорлиги, энг аввало, ишлаб чиқариш харажатлари билан узвий боғлиқликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг таркиби ва тузилишига боғлиқдир. Шунинг учун доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги нисбат катта аҳамият касб этади.

Корхона барқарор ривожланишини шакллантиришнинг бошқа муҳим омили активларнинг оптимал таркиби ва тузилиши ҳамда уларни бошқариш стратегиясини тўғри танлаш ҳисобланади. Бунда жорий активларни бошқариш санъати корхона ҳисобида жорий тезкор фаолият учун зарур бўлган ликвид маблағларнинг энг кам зарурий суммасинигина ушлаб туришдан иборат.

Корхона молиявий мувозанати ва иқтисодий барқарорлигига ссуда капиталлари бозорида қўшимча равишда ҳаракатлантириладиган маблағлар маълум таъсир кўрсатади, яъни корхона қанчалик кўп пул маблағларини жалб қилиши мумкин бўлса, унинг молиявий имкониятлари шунчалик катта бўлади. Бироқ корхонанинг ўз кредиторларига тўловларни ўз вақтида тўлаш лаёқатини белгилайдиган риск ҳам ўсади.

Узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш ва ликвидликнинг етарли даражасига эришиш йўли билан иқтисодий мувозанатни ушлаб туриш мақсадида саноат корхонаси ҳисобларида пул маблағларининг етарли ҳажмини яратиш лозим. Бунда операцион цикл динамикаси корхона ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва унинг пулга бўлган талабини жорий фаолияти, яъни айланма активлар ва уларни молиялаштириш жараёнини бошқаришга тегишли қисмида амалга оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2-расм. Корхона иқтисодий барқарорлигини бошқариш сиёсати босқичлари

1-босқич. Корхона иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадини белгилаш

2-босқич. Корхона фаолияти ҳақида ахборотлар асосини шакллантириш

3-босқич. Корхона иқтисодий барқарорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини ўрнатиш

4-босқич. Иқтисодий барқарорлик меъёрий миқдорлари тизимини шакллантириш

5-босқич. Иқтисодий барқарорликни баҳолаш натижаларининг таҳлили

6-босқич. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш

Корхона барқарор ривожланиши жараёнини таъминлаш, яъни амал қилиш жараёнида барқарорликка риоя қилинадиган сифат жиҳатдан янги даражага ўтиш учун корхонага таъсир кўрсатишнинг мажмуавий хусусияти хос бўлган ривожланиш етакчи омилини аниқлаш ҳамда мазкур омилдан фойдаланиш асосида барқарор ривожланиш жараёнини бошқариш мажмуавий тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Корхонани ривожлантириш етакчи омили сифатида инновация салоҳияти асосида амалга ошириладиган инновацион ислохотларни ажратиш мумкин. Бунда таъкидлаш жоизки, инновацион салоҳият даражаси корхонанинг янгиликларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ўзлаштириш лаёқати, бундан ташқари, бир томондан, у бошқарув тизимининг жорий ҳолатидан янгисига ўтказиш зарурати ва имкониятини,

бошқа томондан эса инновация жараёнида барқарорликнинг сақланиши ва доимий амал қилишининг шартини белгилайди.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида корхона тегишли сиёсатни ишлаб чиқадики, қуйидагилар унинг асосий босқичлари ҳисобланади (2-расм).

Шундай қилиб, хўжалик тизимлари иқтисодий барқарорлигининг тадқиқоти корхона жорий фаолияти асосий турлари ва бу жиҳатдан уларнинг қўлланилишини ўрганишни кўзда тутди. Бу саноат мажмуаси корхоналари иқтисодий барқарорлигининг маъносини чуқурлаштириш ва уни умумтизим нуқтаи назаридан аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, инновацион фаоллик асосида барқарор ривожланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тадқиқ этиш

муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли инновацион ислоҳотларни амалга ошириш саноат мажмуаси корхоналарининг стратегик барқарор ривожланишини таъминлашнинг етакчи омили сифатида намоён бўлади. Бунинг учун корхоналарда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларини кучайтириш, корхоналар томонидан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашиш, уларнинг инновацион тадқиқотларни давлат билан шерикликда рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтириб бориш ҳамда юқори технологияли тармоқларда кичик корхоналарни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг ҳаммаси улар фаолиятининг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Казаринов М.Ю. Детерминизм в сложных системах управления и самоорганизации. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1990.
2. Клинов В. Особенности современной динамики мирового хозяйства. // «Вопросы экономики», 2010, №9. –С. 79.
3. Ладенко И.С. Имитационные системы. – Новосибирск, 1981.
4. Маршал А. Принципы экономической науки. Т.2. – М.: «Прогресс», 1993.
5. Унковская Т.Е. Финансовое равновесие предприятия. – К.: «Генеза», 1997.
6. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: «Дело ЛТД», 1995.
7. Ashby W. R. Principles of the self – organizing dynamic system. – Cambridge. 1981.
8. Economic Growth in the 1990s: Learning from a Decade of Reform. World Bank, 2005. p.xi-xiii (<http://www1.worldbank.org/prem/lessons>)
9. George J.Stigler. Perfect competition, historically contemplated. Microeconomics: Selected Readings. – Mansfield, New York, 1971.
10. Hicks J. Economic Perspectives. Further Essays on Money and Growth – Oxford, 1987.
11. Kenneth J.Arrow. Toward a theory of price adjustment. Studies in Resource Allocation Processes. – Cambridge, 1991.
12. Paul A.Samuelson. Foundations of Economic Analysis. – New York, 1986.